

## Экологик соҳа асослари

Н.А.Мамадалиева

И.Каримов номидаги ТДТУ Олмалик филиали

**Аннотация:** Мақолада ижтимоий сиёсатнинг энг асосий мақсади, аҳолининг ҳаёт савияси ва сифатини ошириш, моддий ва маънавий эҳтиёжини қондириш, барча ижтимоий гуруҳ учун меҳнат ва фуқаролар хўжалик фаоллигини рағбатлантириш асносида шарт-шароитлар яратиш, ижтимоий адолатни кучайтириш, ижтимоий кафолат механизмини ва ижтимоий ҳимояни такомиллаштириш келтирилган.

**Калит сўзлар:** сиёсат, давлат, ижтимоий сиёсат, сифатли ҳаёт, фуқаро, ижтимоий адолат, ижтимоий ҳимоя, миллий модел, ўзбек модели принциплари, бозор иқтисодиёти, бозор иқтисодиётига ўтиш

## Basics of the ecological field

N.A.Mamadaliyeva

TSTU Almalyk branch named after I.Karimov

**Abstract:** The main goal of social policy in the article is to increase the standard and quality of life of the population, to satisfy their material and spiritual needs, to create conditions for the stimulation of work and economic activity of citizens for all social groups, to strengthen social justice, to improve the mechanism of social security and social protection. .

**Keywords:** politics, state, social policy, quality life, citizen, social justice, social protection, national model, principles of Uzbek model, market economy, transition to market economy

Экология ҳозирги замоннинг кенг миқёсдаги кескин ижтимоий муаммоларидан биридир. Уни ҳал этиш барча халқларнинг манфаатларига мос бўлиб, цивилизациянинг ҳозирги куни ва келажаги кўп жиҳатдан ана шу муаммонинг ҳал қилинишига боғлиқликдир. Дарҳақиқат, она заминимиз келажаги, инсоният тақдири кўп жиҳатдан ҳозирги экологик муаммолар ечимига, табиат бойликларини асраш уларни муҳофаза қилишга боғлиқ бўлиб қолмоқда.

XX асрнинг дастлабки йиллариданоқ фан-техника жадал сурътлар билан ривожланиб, бу ўз навбатида табиатга ва ижтимоий муҳитга ўзининг таъсирини

кўрсатмоқда. Дунёнинг сиёсий-географик тузилиши ўзгармоқда. Бундай шароитда инсон томонидан биосферага кўрсатилаётган таъсирни тартибга солиш, ижтимоий тарақиёт билан қулай табиий муҳитни сақлаб қолишнинг ўзаро таъсирини уйғунлаштириш, инсон ва табиатнинг ўзаро муносабатларида мувозанатга эришиш муаммолари борган сари долзарб бўлмоқда [1].

Ўзбекистон Республикаси экологик сиёсатининг бош мақсади - ўз фуқаролари ва қолаверса бутун дунё ҳамжамиятини ҳаётий зарур бўлган экологик хавфсиз муҳит билан таъминлаш ҳамда табиий ресурслардан самарали фойдаланиш орқали табиат билан жамият ўртасидаги иқтисодий-экологик муносабат шаклини такомиллаштиришдан иборат. 1997-йилнинг 29-августида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Миллий хавфсизлик концепцияси тўғрисида»ги қонунда инсонларнинг соғлиги ва уларнинг турмуши учун оптимал экологик шароитларни яратиб бериш, жисмоний бакуват авлодни шакллантириш, барқарор ривожланишни ва соғлом ҳаёт тарзини шакллантириш масалаларига кенг ўрин берилган.

Табиатни муҳофаза қилиш ва унинг ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалалари Ўзбекистон Республикаси конституциясида ва бошқа ҳужжатларда ўз аксини топган. Конституциянинг 50-моддасида табиатга оқилона муносабатда бўлиш фуқароларнинг бурчи эканлиги, 54-моддасида мулкдорнинг мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, 55-моддасида эса барча табиий захиралар умумиллий бойлик бўлиб, улар давлат муҳофазасида эканлиги эътироф этилган. Унинг 100-моддасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш маҳаллий ҳокимият органлари зиммасига юклатилди.

1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун табиатни муҳофаза қилиш бўйича бош ҳужжат ҳисобланиб, у табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва унинг ресурсларидан фойдаланишни тартибга солиш бўйича республиканинг стратегиясини белгилаб беради. Шунга мувофиқ равишда бошқа барча қонун, қонун ости меърий ҳужжатлар унга бўйсундирилади. Қонун 11 булим ва 13 моддадан иборат. Унда табиатнинг ҳар бир турдаги объектлари муҳофазаланиши ҳамда улардан фойдаланиш қоидалари белгиланган ва республика фуқаролари яшаш учун қулай атроф муҳитга эга бўлишликлари кафолатланган.

Маълумки, мамлакатимизнинг тараққиёт ва демократия йулидан изчил бориши Ўзбекистонда мавжуд бўлган бой табиий ресурсларга таянади. Мустақил тараққиётнинг илк кунлариданок улардан оқилона фойдаланиш ва келгуси авлод учун соф-атроф табиий муҳитни асраб авайлаш борасида йўналишлар белгиланди. Бу мамлакатимиз аҳолисининг маънавий бой ва соғлом ҳаётини таъминлашдаги асосий шарт ва омиллардан биридир.

Давлатимизнинг экологик соҳадаги сиёсати юқоридаги қонун ва қарорларга таянади. Аммо юртимиздаги мавжуд табиий ресурслардан тежамли ва самарали фойдаланиш учун табиий ресурслар таркибий жиҳатдан чуқур ўрганиш талаб этилади. Умуман табиий ресурслар ўзлаштирилган ва ўзлаштирилмаган ресурслар турига бўлинади. Иктисодчилар товар ёки хизматларни узлаштирилган ресурслар сирасига киритади. Сабаби, ушбу товар ёки хизмат турлари бўйича лойиқ нарх, яъни иктисодий баҳонинг ўрнатилганлигидир.

Ўзлаштирилмаган ресурслар ,асосан иктисодий муаммони,бозорда товар камчиллигини ва дефицитлигини юзага келтиради. Бу алоҳида индивид учун текин, жамият учун эса қимматга тушади. Айнан ўзлаштирилмаган ресурслар ташқи самарани юзага келтиради, яъни истеъмолнинг компенсацияланмаган харажатлари, бир томонлама манфаатни юзага келтириб, асосан келишувлар бозор ташқарисида юз беради [2].

Ижтимоий-иктисодий зиён яхлитликда жамият ривожланиши табиий ресурс потенциалининг асосиз пасайтирилиши - экобизнесни ривожлантиришнинг салбий омилларидан бири ҳисобланади. Ундан ташқари, корхоналар маҳсулот ишлаб чиқариш давомида келтирилган харажатлар ҳисобга олиниб,ташки атроф - муҳитга келтирилган зарарлар ҳисобга олинмасдан келинган. Бугунги кунда атроф - муҳит учун зарарсиз, табиий ресурсларни қайта ишлаш жараёнида ресурслар учун тежамкор,кам харажатли технологияларни жорий этилишига бўлган талаб кучайиб бормокда [3]. Шунингдек, атроф-муҳитни ободонлаштириш ишлари билан шугулланадиган корхоналар фаолиятига, айниқса, эҳтиёж сезилиб бормокда. Яъни, исталган корхон, ташкилотнинг атроф-муҳитга таъсири ўрганилиб, шунга мос равишда ободонлаштириш, кўкалмзорлаштириш натижасида чиқиндиларни зарарсизлантиришга эришилади. Инсонлардан эса ёшидан қатъий назар, етарли экологик билим, таълим, маданиятга эга булишликлари муҳимдир[4].. Юқоридагиларни барчаси экобизнес асосларини юзага келтиради бу эса бозор иктисодиёти шароитида экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ва уларнинг яна ҳам нафлик коэффицентини ошириши билан муҳим ҳисобланади.

Экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган экобизнес асосларини аниқроқ санаб ўтадиган булсак:

- Атроф - муҳитни тозаллигини таъминлашда корхоналар маҳсус ускуналар,экологик тоза автомобиллар,мониторинг учун асбоблар ишлаб чиқариши ёки қуролланган бўлмоғи;

- Табиий ресурсларни тежайдиган технологиялар билан ишловчи корхоналар,муқобил энергия, чиқиндиларни рециклинг қилиш, яъни қайта ишлов бериб, чиқиндиларни такрор қуллаш, иккиламчи чиқиндилардан кенг фойдаланиш;

- Атроф-муҳитни ободонлаштириш ишларини олиб боровчи корхоналар фаолиятига кенг йул очиш;
- Экологик таълим-тарбия муассасаларининг ишини жонлаштиришдан иборат.

Юртимизда мустақилликнинг илк йиллариданок, атроф-муҳитни яхшилаш борасида давлатимизнинг экологик соҳадаги олиб бораётган сиёсати юқори бўлиб, келгусида экологик тоза маҳсулотлар яратилиши эса экобизнесни ривожлантиришнинг асоси бўлиб хизмат қилишига ҳеч шубҳа йук.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. У.А.Хакимов. Табиат муҳофазаси авлодлар келажаги. Навоий. 2009й
2. Пол Э.Самуэльсон, Вильям Нордхаус. Экономика М. Санкт-Петербург. 2005й.
3. Р.Хабилов, Н.Королёва, Т.Ишмухаммедов. Эколог-эксперт маълумотномаси. Т. 2009 й.
4. Мамадалиева Н.А. дис. «Экономическая эффективность производства фосфорсодержащих удобрений в Узбекистане.» - Т...1995.С-8
5. Хунаров, А. М., & Узаков, И. Э. (2022). Современные проблемы экологического районирования. Science and Education, 3(9), 218-223.
6. Каримкулов, К. М., Узаков, И. Э., & Сариккулов, М. Х. (2022). Роль химического состава пищевых продуктов в специальности химия товаров. Science and Education, 3(12), 309-314.
7. Egamberdiev, F. T., & Israilova, X. M. (2023). Economic Importance of Investment Projects in the Development of Agriculture. Web of Scholars: Multidimensional Research Journal, 2(5), 1-4.
8. Исраилова, Х. М. (2023). Мустақиллик йилларида мева-сабзавотчилик соҳасининг ривожланиш суръатлари (Фарғона вилояти мисолида). Science and Education, 4(6), 894-900.
9. Эгамбердиев, Ф. Т., & Исраилова, Х. М. (2023). Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда инвестицион лойиҳаларнинг иқтисодий аҳамияти. Science and Education, 4(5), 1510-1517.
10. Исраилова, Х. М. (2023). ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК СОҲАСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ЎЗГАРИШЛАР (ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА): ECONOMIC CHANGES IN THE FIELD OF FRUIT AND VEGETABLES DURING THE PANDEMIC (EXAMPLE OF FERGANA REGION). Молодой специалист, 2(14), 34-38.
11. Egamberdiev, F. T., & Israilova, X. M. (2023). Economic Importance of Investment Projects in the Development of Agriculture. Web of Scholars: Multidimensional Research Journal, 2(5), 1-4.

12. Ergashxodjayeva, S. J., Qosimova, M. S., & Yusupov, M. A. O 'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O 'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI TOSHKENT DAVLAT IQTISODIYOT UNIVERSITETI.

13. Qizi, K. U. K., & Qosimova, M. (2022). FRAZEOLOGIK BIRLIKLARNING LINGVOKULTUROLOGIK TADQIQI. Talqin va tadqiqotlar ilmiy-uslubiy jurnali, 3(5), 33-37.

14. Qosimova, M. S., Hodiev, B. Y., Samadov, A. N., & Muhitdinova, U. S. (2003). Kichik biznesni boshqarish. T.: 0 'qituvchi.

15. Xodiyev, B. Y., Qosimova, M. S., & Samadov, A. N. (2010). Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik. T.: TDIU, 267.

16. Каюмов, Б. И., & Маматкаримова, Б. Х. (2019). Новые методы и технологии преподавания иностранных языков в вузе. European science, (7 (49)), 48-50.

17. Каюмов, Б. И., & Қосимова, М. (2022). ТАЪЛИМ МАЗМУНИНИ МАНТИҚИЙ ЎЗЛАШТИРИШДА БЛОК–МОДУЛ ДАРСИНИНГ РОЛИ. Central Asian Academic Journal of Scientific Research, 2(6), 139-145.

18. Каюмов, Б. И., & Закиров, Ш. М. (2021). ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ЁНДАШУВНИНГ ИЖТИМОЙ МОЎЯТИ. ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ, 4(1).

19. Абдулхакимова, Н. Т., & Каюмов, Б. И. (2020). ИНФОРМАЦИОННО-КОММУНИКАТИВНЫЕ ТЕХНОЛОГИИ, ПРИМЕНЕНИЕ ИХ В ОБРАЗОВАТЕЛЬНОМ ПРОЦЕССЕ. In ОБРАЗОВАНИЕ 2020: АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ И СОВРЕМЕННЫЕ АСПЕКТЫ (pp. 71-73).

20. Мамадалиева, Н. А., & Давлаталиев, Х. Х. (2023). ИҚТИСОДИЁТДА ФОСФОРИТ ХОМ АШЁСИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ. Новости образования: исследование в XXI веке, 1(11), 498-500.

21. Мамадалиева, Н. А., & Суяров, Х. У. (2023). Кончилик саноатида янги технологияни жорий этиш ва унинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш йўли. Science and Education, 4(5), 789-795.

22. Улашев, И. О., Мамадалиева, Н. А., Ашурова, Н. Б., & Кучкаров, Н. С. (2006). Правовая налоговая политика недропользования в Республике Узбекистан. Горный журнал, (9), 42-43.

23. Mamadalieva, N. A. (2021). The Importance of Ecotourism for Those Working in the Chemical Industry. EUROPEAN JOURNAL OF BUSINESS STARTUPS AND OPEN SOCIETY, 1(1), 1-4.

24. Мамадалиева, Н. А., & Исломова, Р. А. (2022). Кимё Саноатида Ишловчилар Учун Экотуризмнинг Аҳамияти. Miasto Przyszłości, 30, 65-68.

25. Sarikulov, M. K., Uzohkov, I. E., Riskulov, K. A., & Israilova, K. M. (2022). SOME ASPECTS OF ECOLOGY AT THE PRESENT STAGE. *International Journal of Early Childhood Special Education*, 14(6).

26. Uzoqov, I. E., & qizi Ashurova, F. A. (2023). Kontrafakt va falsifikasiya qilingan oziq ovqat mahsulotlarini identifikatsiyalashdagi xorijiy davlatlar tajribalari. *Science and Education*, 4(9), 166-172.

27. Adilov, T. T., Israilova, X. M., Uzohkov, I. E., Axtamov, M. X., & Rahmatullayeva, X. I. (2021). Food security: National food market.

28. Сарикүлов, М. Х., Узаков, И. Э., уғли Ирисов, И. Ш., & уғли Сулхонов, Д. А. (2023). Калорийность и химический состав куриного яйца. *Science and Education*, 4(6), 46-53.

29. Сарикүлов, М. Х., Узаков, И. Э., Куйбаков, Б. Б., & Хунаров, А. М. (2023). Роль воспитания в формировании гармонично развитого поколения. *Science and Education*, 4(6), 554-560.

30. Karimqulov, Q. M., Abduraxmanova, A. J. R., & Uzaqov, I. E. (2023). Oziq-ovqat tovarlarni identifikatsiyalashda yuzaga kelayotgan muammolar. *Science and Education*, 4(6), 518-523.

31. Karimqulov, Q. M., Uzoqov, I. E., & Sarikulov, M. X. (2022). Tovuq go'shtining tarkibini aniqlash va sinflash. *Science and Education*, 3(10), 151-158.